Ушбу сонда:

2 *Тадбиркорлик — давр талаби* **НИЯТИ ХОЛИС ФЕРМЕРЛАР**

3 **ИШЧИЛАР УЙЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ** хўжалик ҳисобидан амалга оширилди

4 **ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ**

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 21 феврал, шанба № 29 (1662)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИҚТИДОРЛИ ЧЕВАРЛАР ТАНЛОВИ

Германиянинг «PFAFF SINGER» савдо уйи Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда «PFAFF SINGER - Ўзбекистоннинг энг ёш иқтидор эгалари» танловини эълон қилди. У «PFAFF SINGER» концерни қурилмалари билан жиҳозланган 75 касб-ҳунар коллежи ва академик лицейи ўқувчилари ўртасида ўтказилмоқда.

Танловда тикувчиликдаги ижодий эркинлик, ўзига хослик, халқимизнинг миллий анъаналарининг замонавий андозалар билан уйғунлашувини таъминлашга муҳим эътибор қаратилади.

Апрел ойида ниҳоясига етадиган танловда байрамона либослар, енгил ва устки кийимлар, манзарали зардўзлик санъати усталари ва бошқа номинациялар ўрин олган.

(ЎзА)

Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин

ЮРТ ОБОДЛИГИ КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Қарши даштидаги «Пахтазор» қишлоғида тажрибали зироатчи, билимдон мутахассис Сувон Баратовни учратиб қолдим. Чўлни ўзлаштиришга салмоқли ҳисса қўшган ҳақиқий агроном ўзининг етмиш йиллик ҳаётида юзлаб мевазор боғлар яратган, иссиқхона хўжаликлари ташкил этиб, субтропик меваларни етиштиришни йўлга қўйган.

– Меҳр ва мурувват, деганда фақат моддий манфаатдорликни тушунмаслик керак, - дейди Сувон ота чуқур мулоҳаза билан. – Ёрдамга муҳтож ногиронлар ва етим-есирлар, бева-бечоралар, боқувчисини йўқотган ёлғиз одамларга ғамхўрлик кўрсатиш инсоний бурчимиз. Шунинг билан бирга эл-юрт фаровонлиги, жамиятимизда аҳиллик, меҳр-оқибатлилик, миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш ҳам энг савоб амаллардан ҳисобланади.

Меҳр ва мурувват йилида Қашқадарёда яна бир ибратли ташаббусга қўл урилди. «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, касаба уюшмалари вилоят кенгаши ташаббуси билан воҳада ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш уч ойлиги ўтказилаяпти.

– Мамлакатимизда 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилинганлиги, Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрилаётганлигини эътиборга олиб вилоят ҳокими ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш уч ойлигини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусимизни маъқуллади, - дейди биз билан суҳбатда касаба уюшмалари вилоят Кенгаши раиси Эсон Ражабов. – У 2004 йил 1 январдан 31 мартгача давом этади. Бу даврда бажариладиган ишларнинг аниқ дастури белгиланди.

Шу кунларда корхона ва ташкилотлар, бозорлар, савдо ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, қишлоқ ва маҳаллалар, кўча ва хиёбонлар санитария-гигиена талабларига асосан тартибга келтирилаяпти. Аҳоли истиқоматгоҳлари, маҳалла гузарлари чиқиндилардан тозаланиб, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилаяпти. Шаҳар ва туманларнинг марказларида ва вилоят ҳудудидан ўтувчи йўлларга анвойи гуллар экилмоқда. Ариқ-зовурлар тозаланиб, сув иншоотлари таъмирланаяпти. Дала шийпонлари деҳқонлар дам оладиган оромгоҳларга айлантирилмоқда.

Мактаблар, коллежлар ва олий ўқув юртларини ободонлаштириш, тозалаш ва кўчат ўтқазиш юмушлари давом этмоқда. Уч ойлик давомида энг яхши хонадон, намунали кўча ва маҳалла, энг обод шифо маскани ва ўқув муассасаси каби кўрик-танловлар ўтказилиб, ғолиблар муносиб рағбатлантирилади.

Ўрмонзор ва иҳотазорлар, игна баргли манзарали ва мевали дарахт ниҳоллари, терак ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорлар, тутзорлар, боғ ва токзорлар барпо этиш қизғин тус олган. Вилоят бўйича 8 миллион туп дарахт ниҳоллари, 2,3 миллион туп тут экиш, 552 гектар майдонда боғ-роғлар яратиш мўлжалланган.

ЮНЕСКО томонидан 2700 йиллиги нишонланадиган Қарши, тарихий обидаларга бой Шаҳрисабз шаҳарлари ўзгача чирой очади. Чўл ҳудудидаги Муборак, Нишон, Миришкор туманларида мевазор боғлар барпо этилаяпти. Қарши дашт минтақасида жойлашган Муборак ва Нишон туманлари яйловларида саксовулзорларни тиклашга киришилди.

Ободончилик дастури доирасида меҳр ва мурувватга даҳлдор тадбирлар ҳам амалга оширилаяпти. Вилоят ҳокимлиги томонидан Яккабоғдаги «Саховат уйи» қарияларига, Чироқчидаги ақли заиф болалар мактаб-интернати, Қарши ва Китобдаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совға-саломлар улашилганлиги ўксик қалбларни тоғдек кўтарди.

Халқ банки, «Ғалла банк» туман бўлимлари, «Қашқадарёавтойўл», «Пахтсаноат» бирлашмалари касаба уюшмалари кенгаши, «Косонёғэкстракция», «Шаҳрисабзконсерва» очиқ ҳиссадорлик жамиятлари, «Қашқадарёдонмаҳсулотлари» акциядорлик уюшмаси ҳомийлигида кексалар ва ногиронларга катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Кеш заминида савобга, меҳрга йўғрилган кенг кўламли тадбирлар уюштирилаяпти. Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан шаҳарда истиқомат қилаётган эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 30 нафар, ширкат хўжаликларидаги 100 нафар боланинг суннат тўйлари ўтказилди ва ҳар бирига банкда ҳисоб рақами очилиб, 15 минг сўмдан пул маблағлари қўйилди.

Ғузордаги «Оқсарой» оромгоҳида кам таъминланган оилаларнинг йигирмадан ортиқ фарзандига ҳиммат кўрсатилганлиги ҳам қалбларга қувонч бағишлади.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг пленуми бўлиб ўтди. Унда хўжалик судларининг 2003 йилдаги фаолияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга каратилган чора-тадбирлар муҳокама этилди.

ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИ

Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов бошқарган тадбирда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, иқтисодиётимиз изчил ривож топаётгани таъкидланди. Хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес вакиллари, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб, улар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судларига тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар.

Якунланган йилда хўжалик судларида 55 мингдан ортиқ низо ҳал этилиб, даъвогарлар фойдасига 600 миллиард сўм ҳамда 16,3 миллион АҚШ доллари ундириб берилди. Шундан салкам тўққиз мингини тадбиркор, деҳқон ва фермерлар манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ суд жараёнлари ташкил этди. Ушбу субъектлар фаолиятига асоссиз аралашиб, уларнинг ривожига тўсқинлик қилаётган назорат ва бошқарув идораларининг қонунга зид 282 ҳужжати ҳақиқий эмас, деб топилди.

Пленумда бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этаётган банкротлик институти билан боғлиқ жараёнлар чуқур таҳлил этилди. Суд санкцияси, ташқи бошқарув, кузатув ва келишув битимларидан ўз ўрнида фойдаланилгани боис банкрот, деб эътироф этилаётган корхоналар сони қисқармоқда. 2002 йилда 1250 корхона банкротликка юз тутган бўлса, ўтган йили бу рақам 419 тага камайди.

Пленумда шартнома интизомини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорлар дуч келаётган бюрократлик ва таъмагирлик ҳолатларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги амалиётни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б.Мустафоев, Бош прокурори Р.Қодиров, Олий суди раиси Ф.Муҳитдинова иштирок этди.

(ЎзА)

ҚУТЛУҒ ДАРГОҲ

Самарқанд туманида 66 та мактаб мавжуд бўлиб, уларда жами 55116 нафар ўқувчи таълим олади. Тумандаги 47-ўрта умумтаълим мактаби намунали ўқув даргоҳи ҳисобланади.

Бу ерда таълим жараёни кўнгилдагидек. Ўқувчиларга тажрибали мураббийлар машғулот ўтказади. Энг муҳими, даргоҳ замонавий ўқув жиҳозларига эга. Кутубхона ўқув зали эса ҳамиша ўқувчилар билан гавжум.

Суратда: мактаб кутубхонаси.

Т.НОРҚУЛОВ
(ЎзА) олган сурат

ЖОМБОЙДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

дилларни хушнуд этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармони юзасидан Жомбой туманида талай ишлар амалга оширилмоқда.

- 2003 йилда Нормамат Эсонтурдиев номли ширкат хўжалигининг Бешбола маҳалласида стадион қуриб, тўлиқ фойдаланишга топширилди,- дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими бошлиғи Ўктам Мустафоқулов. - «Ўзбекистон», «Оқ-олтин», Алишер Навоий номли ширкат хўжаликларида яроқсиз аҳволдаги клублар спорт залларига айлантирилди. Ўнга яқин мактабда янги спорт майдончалари қурилди.

Айни пайтда «Атлет» спорт-соғломлаштириш марказида икки юзга яқин ўғил-қиз спортнинг шоҳмот, шашка, стол тенниси, бильярд каби бир қанча турлари билан мунтазам шуғулланмоқда.

- Марказимиз спортчилари вилоят ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда фаол иштирок этмоқда, - дейди «Атлет» спорт-соғломлаштириш маркази раҳбари Акбар Баротов. - Таэквондо бўйича Ўзбекистон очиқ биринчилигида вакилимиз Ш.Жўраев ўз вазн тоифасида олтин медални қўлга киритди.

Жорий йилда Ғазира, Сарчашма ва Наймантепа маҳаллаларида спорт мажмуалари ҳамда стадионлар қурилишини тугаллаш юзасидан жадал иш олиб борилмоқда.

Қўшма корхоналар — хориж ишончи

80 ФОИЗ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

Поп туманидаги «Поп-Фен» қўшма корхонасида ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди. Саноатчилар янги йилда ҳам асосий эътиборни бозорбоп, сифатли ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратган.

– Бултур 4025 тонна калава ип ишлаб чиқардик, - дейди корхона директорининг ўринбосари Ж.Дадахонов, - Натижада бурноғи йилга нисбатан 150,1 фоиз ўсишга муваффақ бўлдик. Эскпорт ҳажми 6 миллион 20 минг АҚШ долларини ташкил этди. Бу борада ҳам 174,6 фоиз ўсишга эришилди. Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг 80 фоизини хориж тўқимачилик корхоналарига етказиб бермоқдамиз. Эришилган муваффақиятга тайёрлов ва йигирув-ўроб цехлари муносиб ҳисса қўшмоқда. Яқинда январ ойининг биринчи ярмида ишлаб чиқарилган калава ипларнинг бир қисмини хорижга жўнатдик.

Ишчи-хизматчиларнинг ишлашлари ва дам олишлари учун барча шароитлар бекаму кўст яратилган. Уларга уч маҳал иссиқ овқат, ишдан келиб-кетишлари учун транспорт ажратилган. Ҳар байрамларда совға-саломлар берилади. Рамазон ҳайитида маросими бор ишчи-ходимларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Улуғ айём кунлари фаол ишлаганларга ҳам мукофотлар топширилди. Яқинда волейбол бўйича корхона соврини учун мусобақа ўтказилди. Унда ғолиб чиққан омбор бўлими жамоасига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Корхона цехларини айландик. Иш қизғин. Ёшлар замонавий дастгоҳларни бемалол бошқаришяпти.

- Ҳамма иш компьютер технологияси асосида бажарилади, биз фақат назорат қилиб турамиз холос, - дея суҳбатни давом эттирди ишчи Ойгул Худойбердиева, Насиба Долимовалар. - Ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган замонавий корхоналарда ишлаш азалий орзуим эди. - Мана, ниятимга етдим. Бу ерда кўплаб дугоналар орттирдим. Айни чоғда ҳаммамиз аҳил, иноқликда маҳсулот сифатини яхшилаш ҳаракатидамиз.

Бахтиёр ТУРДИАЛИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида адлия идоралари олдига қўйилган вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Адлия вазири А.Полвонзода бошқарган йиғилишда якунланган йилда адлия идоралари томонидан тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш бўйича самарали ва таъсирчан тадбирлар амалга оширилгани таъкидланди. Бунда асосий эътибор тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва уларнинг ҳуқуқини поймол қилаётган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласига қаратилди.

Ҳуқуқий ҳимоя тизимининг такомиллашиб бораётгани туфайли тадбиркорларнинг адлия идораларига мурожаатлари сони кескин ошди. Адлия органларининг ташаббуси билан тадбиркорларнинг, жумладан, хорижий инвесторларнинг манфаатини кўзлаб судларга 65,6 миллиард сўмлик ҳамда 939 минг АҚШ доллари миқдорида 14 мингга яқин даъво аризаси киритилди. 400 миллион сўмга яқин етказилган моддий ва маънавий зарар бевосита айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан ундирилди.

Кўплаб хўжалик ва ички хўжалик шартномалари ўрганилиб, адлия идораларининг талабига кўра 47 мингдан ортиқ шартнома қайта туздирилди. Шу билан бирга, барча турдаги хўжалик шартномаларининг намуналари ишлаб чиқилиб, жойларга қўлланма тариқасида етказилди.

Адлия идоралари фаолиятининг асосий йўналиши бозор ислоҳотларини, хусусий мулкчиликни ривожлантиришга йўналтирилган қонунларнинг ижросини таъминлашга қаратилган. Адлия вазирлиги томонидан уларнинг ижроси бевосита жойларга чиқиб ўрганилмоқда. 2003 йилда республиканинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўтказилган ушбу ўрганишлар давомида тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ кўплаб қонунбузилишлар аниқланди. Ўрганиш натижаси бўйича мавжуд вазият чуқур таҳлил этилган ҳолда вилоят ҳокимларига тақдимномалар киритилди.

Ҳайъат мажлисида, адлия идоралари томонидан эришилган натижалар билан биргаликда, айрим соҳаларда ишлар етарли даражада ташкил қилинмаганлиги, жумладан, жойлардаги айрим адлия идоралари масъул ходимлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қатъиятсизликка йўл қўйилаётганлиги танқид қилинди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги шартнома муносабатларини тартибга солишга, ушбу соҳада шартнома интизомини мустаҳкамлашга, шартномалар бажарилиши устидан назоратни кучайтиришга асосий эътибор қаратилди.

Йиғилишда фермер хўжаликлари билан хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларнинг, айниқса фермерларга минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларнинг бажарилишини алоҳида назоратга олиш ва айбдор шахсларга нисбатан энг қатъий чораларни кўриш талаб қилинди.

Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни доимий равишда аниқлаб бориш, муттасил равишда қонунларни бузаётганларга нисбатан муросасиз бўлиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда адлия идоралари олдида турган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

(ЎзА)

ЛИЗИНГ АСОСИДА ЯНГИ ТЕХНИКА

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясининг вилоят бўлими ширкат ва фермер хўжаликларига лизинг асосида ўттизта «ТТЗ-80-11» трактори етказиб берди.

Ҳар бири 13,1 миллион сўмлик бу техника нархининг 15 фоизи олдиндан берилади. Қолган қисми етти йил давомида тўланади.

Муаммо кўндаланг қўйилади

БОЛАЛАР ЎЙИНЧОҒИ

ишлаб чиқариш суръати нега паст?

Ўйинчоқ ишлаб чиқариш жараёни қатъий давлат стандарт меъёрлари асосида амалга оширишни тақозо этади. Боиси, саломатликка зиён етказмаслиги баробарида, нафақат овунчоқ, балки ақлий ривожланиш, фикрлаш қобилияти ҳамда предметлар хусусида тушунча ҳосил бўлишига хизмат қилмоғи лозим.

Республикамизда ўйинчоқлар сифатининг меъёрий ҳужжат бандларига мослигини текширувчи аккредитланган синов лабораториялари мавжуд. Уларнинг ташқи кўриниши ва техник талаблари ГОСТ 25779-90 «Ўйинчоқлар. Умумий хавфсизлик талаблари ва текшириш усуллари» асосида амалга оширилади. Унга кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эгилувчан ва айни вақтда асл ҳолатини ушлаб туриши керак. Каркаси ўйинчоқларда эса симли каркас пўлат симлар бўлиши шарт, уларнинг учлари илмоқли букилиши ва юзага чиқиб қолмаслиги лозим. Акс ҳолда, бола танасини шикастлаши мумкин.

«Тўлдирилган юмшоқ ўйинчоқлар. Техникавий шартлар» талабларига кўра юмшоқ ўйинчоқлар уч ёшдан катта болалар учун мўлжалланган. Ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида ички қобиқсиз, қаттиқ ёки ўткир бошқа турдаги жисм бўлаклари, ўлчами 3 мм ва ундан кам бўлган гранулланган материаллар билан тўлдириш ёки қўллашга йўл қўйилмайди. Металл фурнитура ўткир қирраларсиз, ёриқларсиз, қаватланмаган, эзилмаган ва узилишларсиз бўлиши шарт. Ўйинчоқларни ёнғиндан ва қуёш нурининг тўғридан-тўғри тушишидан сақлаш даркор. Энг муҳими, уларнинг вазни бола мушакларида зўриқиш ҳосил қилмаслиги, овозли ўйинчоқлар белгиланган меъёрдан ортиқ шовқин чиқариши билан эшитиш аъзоларига салбий таъсир этмаслиги, бўёқлар ички аъзоларга зарар етказмаслиги, ташқи таъсир, зарбага бардошли бўлиши лозим. Чунки синган, ёрилган ўйинчоқлар жажжилар танасини кесиши, терини шикастлаши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Юртимизда ўйинчоқлар ишлаб чиқариш аҳволи қай даражада, умуман ҳам бозор иқтисодиёти талабларига мослаша олмай, банкротлик ёқасига келиб қолган.

Эътироф этиш жоизки, кичик ва хусусий тадбиркорлик вакилларига кенг имкониятлар яратиб берилган. Пойтахтимиздаги «HB-DEVELOPMENT» хусусий фирмаси ҳам яхши ниятлар билан болажонлар эҳтиёжини қондириш мақсадида юмшоқ ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Бироқ маҳсулот турининг камлиги, четдан кириб келаётган хилма-хил ўйинчоқларнинг эса истеъмол бозорини эгаллаб олганлиги сабабли рақобатга дош беролмай ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлмоқда. Бошқа кичик корхоналар аҳволи ҳам шунга ўхшаш.

Ҳақиқатан, мамлакатимизга хорижда, айниқса, Хитойда ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг ўйинчоқлар кўпгина ҳолларда божхона тўловларсиз, ҳеч қандай ҳужжатсиз яширин тарзда кириб келмоқда. Уларни ҳар қадамда бозор, дўкон ва савдо қаторларида учратиш мумкин. Бир қарашда кишини ўзига жалб қиладиган ушбу маҳсулотлар, афсуски, анчайин сифатсиз, юқорида санаб ўтилган талабларга мутлақо жавоб бермайди.

Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази ўтган йил четдан келтирилган ўйинчоқларнинг 35 850 донасини яроқсиз деб топди. Мисол учун, «Ибрагимов А.И.» хусусий фирмаси томонидан келтирилган Хитойда ишлаб чиқарилган 3044 дона қўғирчоқлар сифатсиз эканлиги маълум бўлди. «Караев А.» хусусий фирмаси ҳам худди шу сабаб туфайли куйиб қолди. Ушбу фирма хорижда ишлаб чиқарилган 2 миллион 193 минг сўмлик болалар шақилдоғи, 913 минг сўмлик қўғирчоқ олиб келган. Афсуски, барчаси амалдаги талаб меъёрларига жавоб бермаслиги боис яроқсиз деб топилди.

– Болалар ўйинчоғи савдоси жиддий масала, – дейди Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази директори Зиёвиддин Обидов. – Чунки жажжилар саломатлиги бир жиҳатдан улар ўйнаётган ўйинчоқларнинг давлат стандарти талабларига жавоб беришига ҳам боғлиқ. Шундай экан, аввало уни харид қилишда юқоридаги меъёрларга мослиги, мувофиқлик ҳамда гигиеник сертификати мавжудлигига ота-оналар эътибор қаратишлари лозим.

Эҳтиёткорлик, албатта, яхши, лекин эҳтиёжни қондириш учун ҳам ҳаракат қилиш керак-ку!

– Айни пайтда болалар ёшига мос ўйинчоқлар жуда кам, – дейди 580-сонли боғча мудираси Шоира Ўлмасова. – Тарбияланувчиларимиз қўлига ўйинчоқни фақат чалғитиш, овутиш мақсадида бериш нотўғри, деб ўйлайман. Ёки алдагани бола яхшими? Бир вақтлар ақлий қобилиятни ривожлантириш, ҳаракатларни жонлантириш учун конструктор ўйинчоқлар ишлаб чиқарилар эди. Ҳозир улар негадир анқонинг уруғига айланиб кетди.

Четдан кириб келаётган маҳсулотларнинг барчасини сифатсиз деб бўлмайди, албатта. Лекин кўпчиликни ўйлантирган яна бир муаммо борки, бу ҳақда ҳам бош қотириш керакка ўхшайди. Бир сўз билан айтганда, ўйинчоқлар нархи анча қиммат. Бундан ташқари, миллий анъаналаримизга хос, ўзбек эртаклари қаҳрамонлари тимсолидаги қўғирчоқлар яратиш пайти келди. Ўйинчоқларнинг замонавий шакллари устида мутахассислар жиддий бош қотирсалар, юртимиз болажонлари талаб-эҳтиёжини оз бўлса-да қондирган бўлар эдик. Ахир, улар ҳам жажжи истеъмолчилар-ку. Муаммони бартараф этишда биринчи галда хусусий корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, тармоқдаги эскирган жиҳозларни замонавий асбоб-ускуналарга алмаштириш мақсадга мувофиқ. Шундагина болажонлар олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Давур ЖОЗИЛОВ,
«Ишонч» мухбири

Вилоят касаба уюшмалари Кенгашларида

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ САМАРАСИ

Меҳнат муҳофазасига дахлдор конунлар, жамоа шартномалари, меҳнат битимлари асосида фаолият юритилиши давр талаби бўлиб колаяпти. Жойларда ана шу меъёрий ҳужжатларга асосланиб иш юритишда камчилигу нуқсонларга йўл қўйилмаётирми? Бошқача айтганда, бошланғич касаба уюшма ташкилотида бугун нима гап? Ана шу саволларга жавоб топиш, мавжуд муаммоларга барҳам бериш мақсадида Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши қатор ташкилотлар мутасаддиларини жалб этган ҳолда очиқ мулоқот ўтказди. Унда тармоқ қўмита рахбарлари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари иштирок этишди.

Дарвоқе, муаммо тасодифан юз бермайди. Унинг замирида кимнингдир лоқайдлиги, масъулиятсизлигини унутмаслик лозим. Зеро, муаммо газак олмаслиги, меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмаслиги даркор.

Касаба уюшма ташкилотини ташвишга солган муаммолардан бири ойлик маошдаги узилишлар бўлаяпти. Аксарият жамоаларда қарздорлик кўзга ташланаяпти. Буни бартараф этиш мумкинми? Вилоят Марказий банк бошқарувининг биринчи ўринбосари Олимжон Эрназаров бу ҳақда батафсил тушунча берди. У ушбу муаммони бартараф этишда банклар олиб бораётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Шундан сўнг мулоқот амалий тус олди.

Мулоқот қатнашчиларини қуйидаги муаммолар қизиқтирди.

Турсунмурод Азимов, Агросаноат мажмуи ходимлари Сайхунобод туман кўмитаси ҳисобчиси:

- Пахта йиғим-теримида қатнашаётган дала ишчиларига терим ҳақи нақд пул тарақасида тўлаб келинаяпти. Аммо ундан касаба уюшма бадали ушлаб қолинмаяпти. Бу масала икки йилдирки, хизмат кўрсатувчи банклар эътиборидан четда қолиб кетаяпти.

Анвар Жавлонов, Таълим ва фан ходимлари Оқолтин туман кўмитаси раиси:

- Туманда ўқитувчи ва мураббийларга иш ҳақи тўлаш вилоят кўрсаткичидан анча ортда қолаяпти.

Кўчим Болтабоев, Агросаноат мажмуи ходимлари Ш.Рашидов номли туман кўмитаси раиси:

- Туманимизда жамоа шартномаларини тузишда муаммоларга дуч келаяпмиз. Туманда, 710 та фермер бор. Ҳар бири билан алоҳида шартнома имзолашимиз лозимми?

Шунингдек, мулоқот иштирокчилари сўм пластик карточкаларни ишлатишдаги нарх-наво ҳамияти, банк тизимларининг мижоз олдидаги мажбуриятлари ижроси, бюджет ташкилотлари ходимларини рағбатлантириш ҳаволи ва бошқа кўплаб саволларга жавоб топишга интилишди. Уларни қизиқтираётган барча масалаларга банк, молия бошқармаси, тадбиркорлар палатаси, адлия ва ижтимоий таъминот бошқармалари вакиллари атрофлича жавоб бердилар.

- Ер, мулк хусусийлашгач, унда ишловчилар ҳақ-ҳуқуқлари ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Худуддаги кўплаб хўжаликлар ерлари фермерлар қўлига ўтган. Ёлланма ишловчилар билан меҳнат шартномаларини имзолаш, меҳнат дафтарчалари юритиш қай йўсинда? Вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими вакили Муҳаммаджон Абдурахмоновнинг эътироф этишича, назоратдан ўтказилган 82 та фермер хўжалигида 800 нафар ёлланма ишчи бор. Уларнинг атиги 300 нафари билан меҳнат шартномаси тузилиб, меҳнат дафтарчаси юритилмоқда. 500 нафар киши эса оғзаки келишувлар асосида ишлаб келаётган экан. Бошқарма бу бошбошдоқликларга чек қўйиш мақсадида қўлланма ишлаб чиқиб, мутасаддиларга етказиб берган.

Хуллас, ушбу мулоқот касаба уюшмалари вакилларига ҳам, мутасадди идора ходимларига ҳам мавжуд аҳволни чуқурроқ англашга туртки бўлди.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

ЭРТАКЛАР МАСКАНИ

Наманган шаҳрида ўтган йили қурилиб фойдаланишга топширилган мажмуанинг узвий давоми бўлган "Болалар дам олиш боғи" қурилиши бошланди.

Вилоятда бугунги кунда кўплаб болалар спорт иншоотлари барпо этилиши билан биргаликда "Меҳримурувват йили"да бошланган ушбу замонавий болалар боғи келажагимиз бўлган ўсмирларга кўрсатилаётган катта ғамхўрликдир.

Саккиз гектарли майдонда барпо этилаётган болалар боғида бош дарвоза, эртаклар маскани, икки гектарли сунъий кўл ва ўн икки турдаги аттракцион мажмуаси ўрнатилди. Ушбу ускуналар хориждан келтирилган, замонавий ҳисобланади.

-Эски бинолар ўрнида қурилаётган сеҳрли шаҳарча болажонларимизга муносиб совға бўлиши учун вилоятимиздаги энг илғор қурилиш ташкилотлари, олиҳиммат ҳомий корхоналар бу ерга жалб этилган,- деди қурилиш бош ижарачиси "Наманганқурилишмонтаж" бошқармасининг бошлиғи Соҳиб Аббосов "Туркистон-пресс" мухбирига. – Бугун-эрта "Намангансувқурилиш", "Наманганқурилиш" трестлари ҳамда вилоят Электр тармоқлари корхонаси ва вилоят "Сувоқава" ҳиссадорлик жамиятлари иш бошлади. Қурилиш кенг кўламда ташкил этилиб, иш икки сменада амалга оширилади.

Вилоят марказидаги иккинчи болалар боғи ҳисобланган бу гўшада, бир вақтнинг ўзида минглаб ёшлар дам олиш билан бирга сув спорти ва очиқ теннис кортида чиниқишади. Болалар боғи Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилади.

NEC CORPORATION ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

Мўйноқ туманида NEC Corporation (Япония) ва Uzimpexaloka ("Ўзбекистон) компаниялари ўртасида битим доирасида амалга оширилаётган телерадиокоммуникацияларни ривожлантириш лойиҳаси иш бошлади.

Лойиҳа телеузатувчининг қуввати ошириш ҳисобига телерадиосигналларни қабул қилиш ва узатиш сифатини яхшилашни кўзда тутади.

-Айни вақтда ишлаётган узатувчи станциясининг қуввати атиги 100 ватт, янгиси қўйилгач сигналлар узатишни юз баравар оширади, - деди реле станцияси бошлиғи Кўмакбой Ўтегенов.

К.Ўтегеновнинг таъкидлашича, янги кабел каналларидан биридан телефон алоқасида фойдланилади. Бундан ташқари, шунга ўхшаш станциялар Нукус, Тахтакўпир ва Шуманайда ҳам қурилади. Уларнинг ишга туширилиши билан Қорақалпоғистонда телерадиокоммуникациялари тармоқларининг иши тубдан яхшиланади.

"Туркистон-пресс"

ЧИҚИТСИЗ ТЕХНОЛОГИЯ

Ун ва омухта ем ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Тахиатошдон" акциядорлик жамиятининг ўтган йили олган соф фойдаси 623 миллион сўмни ташкил қилди. 2003 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ялпи ҳажми салкам 6 миллиард сўмга етди.

Айтиш керакки, корхонада ўтган йили 35 минг тоннага яқин ун, 20 минг тонна омухта ем тайёрланди. Жамоа омухта ем тайёрлашни бошлаб, чиқиндисиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Қорақалпоғистондаги чорвачилик фермалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари корхонанинг бу маҳсулотларини бажонидил харид қилишмоқда.

2003 йилда ўзининг ўттиз ёшини нишонлаган корхонада айни вақтда етти юз киши ишлаётир. Уларнинг ўртача ойлик маоши ўттиз минг сўмдан тўғри келмоқда.

Тадбиркорлик – давр талаби

Жондорда Ҳазарман дея номлангувчи сўлим қишлоқ бор. Одамлари жуда уддабурон ва тадбиркор. Кўпчилиги томорқа хўжалигини ривожлантириш ҳадисини олганлардан. Бу ерда ҳам деҳқончилик, ҳам чорвачилик изчил ривож топаётгани бежиз эмас.

НИЯТИ ХОЛИС ФЕРМЕРЛАР

Йилига 600 тоннагача пахта, 250-300 тонна дон, кўплаб сархил мева, узум, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш имкониятига эга бўлган қишлоқ аҳли ҳаётида унутилмас, қувончли воқеалар кўп бўлиб туради. Ўтган йил охирида танлов асосида 3 та йирик фермер хўжалигини ташкил этиш юзасидан олиб борилган тадбир шулар жумласидандир.

– Зарар кўриб ишлаётган ночор хўжаликлар тугатилиб, ўрнига ёппасига фермер жамоаларни тузишга қаратилган йўл тез орада ўзини оқлашига ишончим комил, - дейди ҳазарманлик тадбиркорлардан бири Шоҳназар Йўлчиев. – Шу боис хўжалигимизда ўтказилган танловда иштирок этдим. Етарлича воситалар, мол-мулкка эга эканлигимни инобатга олган комиссия аъзолари имкониятларимни юқори баҳолашди. Натижада мен раҳбарлик қилаётган фермер жамоаси ихтиёрига 64,7 гектар суғориладиган ер майдони ажратиш тўғрисидаги ялқил хулосага келинди.

«Меҳринисо-Фарангиз» номли фермер жамоаси шу тарзда ўз фаолиятини бошлади. Иккинчи йирик фермер жамоасини Мурод Маъмуров бошқарадиган бўлди. Унга яхши ниятлар ила «Мурод шофур» деб ном қўйилди.

Шундай қилиб, икки нафар тадбиркор деҳқончиликда бой тажрибага эга бўлган қишлоқ оқсоқолларининг панду насиҳатлари, кўрсатмалари асосида белни маҳкам боғлаб ишга киришди. Ерлар қисқа фурсатда ғўзапоядан тозалангач, тракторлар ёрдамида чуқур шудгор қилинди. Чел тортилиб, 2-3 босқичда шўр ювилди.

– Гоҳида инсон учун ҳийлагина янгилик ҳам ўзига хос туртки вазифасини ўтайди. Қишлоқда фермерлик асосида иш юритишга астойдил киришиб кетилганлигини шунга қиёс қиламан, - дея ўз кечинмаларини баён қилади кекса деҳқон Остон бобо Чўлиев.

Илгариги Нарзи Ражабов номли ширкат хўжалиги режаларни сурункали бажармасди. Оқибатда елкадаги қарз салмоғи тўхтовсиз ошиб борарди. Бу ўз навбатида қишлоқ кишиларини жуда ноқулай аҳволга солиб қўйган эди. Улар йил-ўн икки ой ишласада, косаси оқармасди. Шу боисдан ҳам ширкат аъзолари фермерликни баланд руҳ билан кутиб олдилар.

Қаерда меҳнаткаш манфаатлари қадрланса ўша ерда ишда унум ва барака бўлади. Агарда шу маънода сўз юритадиган бўлсак, «Меҳринисо-Фарангиз» фермер хўжалиги аъзоларига барча шароитлар яратилган. Улар маошдан ташқари мукофотлар олишмоқда. Шунинг учун баҳорга тайёргарлик юмушлари бир ой илгари бажарилди.

Иккала фермер хўжалиги аъзолари ҳам тупроқ унумдорлигини тубдан яхшилашга эътиборни қаратиш билан бирга қишлоқ ободончилиги, йўл ва ариқлар тозалигини ҳам унутишгани йўқ. Унда кексаю ёш, барча фаол иштирок этмоқда.

Тадбиркорларнинг яқин келажакдаги режалари ҳам чакки эмас. Улардан бири махсус лойиҳа асосида қишлоқ болалари учун спорт мажмуаси барпо этишни ният қилган бўлса, иккинчиси йўлга асфальт ётқизиш, учинчиси эса мактабни, боғчани, кўп болали кам таъминланган оилаларни ўз ҳомийлигига олишни орзу қилган.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ЯНГИЙЎЛДА МУОЛАЖАЛАР БЕПУЛ

Кейинги йилларда аҳолига замонавий тиббий хизматни йўлга қўйиш борасида Янгийўл шаҳрида бир катор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, шаҳардаги марказий поликлиникада намунали хизмат йўлга қўйилган. Бугунги кунда бу ерда 26 минг аҳолига барча турдаги касалликларни даволаш бепул. Жами бўлиб 25 нафар шифокор, 70 нафардан ортиқ ҳамшира аҳоли соғлигини сақлаш йўлида хизмат қилишмоқда. Шунингдек, тиббиёт масканида тор мутахассисликлар бўйича ҳам муолажалар олиб борилмоқда.

- Жорий йилни «Меҳр ва мурувват йили» деб аталиши барча қатори муассасамиз аҳлини ҳам қувонтириб юборди, – дейди бош шифокор Убайдулла Якубов. – Айни чоғда беморларга соғлом ҳаёт бахш этиш, улар дардига даво бўлиш– биз тиббиёт ходимлари учун биринчи галдаги вазифа бўлиб қолмоқда. Аҳоли талабини қондирадиган даражада сифатли хизматини ташкил этиш учун кўплаб эзгу ишларни амалга оширишни мўлжаллаганмиз. Жумладан, ҳудуддаги боқувчисини йўқотган, якка-ёлғизлар диспансер назоратига олинган. Улардан мунтазам равишда хабар олиб турилади. Ногиронлар ва нафақадагилар ҳам бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, амбулатория ёки стационар ҳолда муолажалар олаяптилар. Умуман олганда, жами бўлиб, поликлиникага 124 нафар якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотганлар, 170 нафар нафақахўр, 101 нафар болаликдан ногирон бириктирилган.

Шунингдек, поликлиника қошида шошилинч тез тиббий ёрдам хизмати ҳам мавжуд. Бу ерда 2 та шифокорлар гуруҳи кечаю кундуз беморлар хизматига шай бўлиб туришибди. Улар замонавий техника ва асбоб-анжомлар билан таъминланган.

Тиббиёт масканида кўплаб ўз касбининг фидойилари хизмат қилиб келмоқда. Болалар шифокори У.Ҳожиева, жарроҳ М.Мирсоатов, ҳамширалар М.Ускенбоева, З.Ҳошимовалар шулар жумласидандир.

Одил ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири



Ўзбекистон-Россия радиатор ишлаб чиқариш қўшма корхонасида барча зарур техника воситалари мавжудлиги ўз самарасини бермоқда.Шу боис Қарши туманининг Бешкент шаҳридаги мазкур корхона маҳсулотлари мижозларга манзур бўлаётир.

Суратда: корхона маҳсулотлари.

* * *

Касби туманида аҳоли саломатлигини тиклаш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда фойдаланишга топширилган қишлоқ врачлик пункти шулар жумласидандир.

Суратда: шифокор Тўхтасин Янгибоев.

Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар

ҲЕЧ КИМ ЭСДАН ЧИҚМАДИ

Меҳр-оқибатлилик, саховатлилик, қўмакка мухтож кишиларга доимо ёрдамга шай бўлиш хислатлари жорий йилда янада ўз ифодасини топаяпти. Бундай ижобий хусусиятлар айникса, касаба уюшмалари тизими фаолиятида яққол намоён бўлаяпти.

Мисол учун таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бекобод туман қўмитасида тизимда меҳнат қилган, ҳозирда пенсияда бўлган бемор, ногиронлардан 16 нафари рўйхатга олинди. Уларнинг ҳар бирининг уйларига бориб, моддий ёрдам кўрсатилди.

Кўмита томонидан оиласида ногирон фарзанди бўлган ўқитувчилар ҳам аниқланди. Ана шундай болалардан 26 нафарига совғалар улашилди.

Касабақўм раиси Ўсарали Эралиевнинг таъкидлашича, ана шундай кўнгли ўксик болалардан 28 нафари рўйхатга олинган ва уларга баҳоли-қудрат ёрдам бериб келинаяпти.

Йилнинг дастлабки ойида шундай мақсадлар учун касаба уюшма маблағидан 300 минг сўм сарфланди.

Темур ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири

Тармоқ касаба уюшма қўмитаси ҳисобида турадиган ширкат хўжаликлари, бошланғич ташкилотлар ва фермер хўжаликларининг деярли ҳаммаси хайрия, саховат ишлари билан ҳам шуғулланишмоқда. Масалан, Алишер Навоий номли ҳарбий давлат хўжалиги ўз ҳудудидаги мактабларга доимий моддий ёрдам бериб келмоқда. Ўқув масканларини мавсумий таъмирлашдан ташқари Убайд қишлоғидаги 7-мактаб учун 8 та синф ва 1 та компьютер хонаси қуриб, ўқувчилар ихтиёрига топширди.

МАКТАБЛАРГА ҲОМИЙЛАР ЁРДАМИ

Хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан аҳоли саломатлигини сақлаш ишларига ҳам жиддий аҳамият бериб келиняпти. «Озодлик» қўрғонидаги эски иморат – қишлоқ врачлик пункти биноси қайта таъмирланди. Бу ишга хўжалик маблағидан 9 миллион сўм сарфланди.

Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигида ҳам аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг баракали меҳнат қилишлари учун зарур имкониятларни яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу ерда қуриб битказилаётган амбулаторияда охирги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга бағишланган ҳукумат қарорига амалий иш билан жавоб бериш ҳаракатида бўлган «Оҳангарон» ширкат хўжалиги жамоаси ўз ҳудудида жойлашган ўрта мактаб ўқувчиларига 1 миллион сўмлик спорт анжомлари совға қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, ер майдонларидан унумли фойдаланаётган, юқори ҳосилдорликка эришиб келаётган фермер хўжаликлари ҳам хайрия ишларидан четда қолаётганлари йўқ.

Масалан, «Бўрон» фермер хўжалиги раҳбари Неъмат Ҳасанов 12-мактабга таъмирлаш ишлари учун 150 минг сўм маблағ ажратди. «Янги ҳаёт» фермер хўжалиги 48-мактабга 255 минг сўмлик қурилиш материаллари олиб берди. «Асри саодат» фермер хўжалиги тумандаги 15-мактабга 145 минг сўмлик, «Човлисой» фермер хўжалиги 2-мактабга 132 минг сўмлик ёрдам қилди.

Хуллас, туманимизда 53 та мактаб, 12 та болалар боғчалари бўлиб, бугунги кунда уларнинг ҳаммаси ҳомийлар ёрдамидан баҳраманд бўлишмоқда.

Сотволди КАРИМОВ, Оҳангарон туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари қўмитасининг раиси

Айни кунларда Шаҳрихон туман пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида иш қизғин. Бу ерда уруғлик чигит тайёрлаш ишлари намунадагидек. Жамоа жорий йили туман хўжаликларига 554 тонна уруғлик чигит етказиб беради.

Жамиятда сифатли, эртапишар «Арғумон», «С 26-09» уруғ навлари тайёрланиб, нафақат туманга, балки Хоразм, Сирдарё, Жиззах вилоятларига жўнатилмоқда.

Суратда: (чапдан) уруғлик чигит тайёрлаш цехи ишчиси Абдураҳим Иномов, уруғлик чигит товаршуноси Ойбек Мўминов ва корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Мадамин Мадолимов иш юзасидан фикр алмашмоқда.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

«Ишонч» фош этади

САВДОДАГИ ҲУЖЖАТСИЗ МОЛЛАР

Солиқ дунёнинг ҳар қандай ривожланган давлатида иқтисодиёт таянчи ҳисобланади. АҚШ, Англия ёки Европадаги бир қатор тараққий этган мамлакатлардаги солиқ тизими сиёсати фикримиз далилидир. Ушбу давлатларда солиқ соҳасидаги қонунни бузган ҳеч бир кимсага шафқат қилинмайди. Истиқлолдан сўнг Ўзбекистонда ҳам солиқ сиёсати такомиллашди ва у бугунги кунга келиб иқтисодиётимизнинг таянчларидан бирига айланди. Жумладан, Наманган шаҳрида солиқ бўйича қонун талабларини бажариш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, биз солиқ тизими сиёсатини барча меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ва одамлар тўпланадиган жойларда тарғиб қилишни ўз фаолиятимизнинг мезонига айлантирганмиз. Негаки, бунда баъзи фуқаролар бу йўналишдаги қонунларни яхши билмайдилар, ёки ундан кенгроқ хабардор эмаслар. Зеро, солиқ йиғимлари бугунги ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат ва бошқа асосий халқ хўжалиги тармоқ ҳамда шохобчаларини хусусийлаштириш ниҳоясига етаётган шароитда давлат иқтисодиётининг таянч нуқталаридан бирига айланиб бормоқда. Сир эмаски, солиқдан келадиган йиғимлар асосида кексалар, кўп болали оилалар, ногиронлар, нафақа ва бошқа турдаги иқтисодий кўмак олувчилар маблағ билан таъминланадилар. Бундан ташқари, бу йиғимлар натижасида халқ хўжалиги ривожлантирилади, қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилади, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалтирилади. Ана шу масалаларни фуқаролар билан учрашувларда тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Масалан, ўтган йилнинг иккинчи ярмида бўлиб ўтган учрашувларда юқорида тилга олинган мавзулар билан бир қаторда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 июлдаги «Ноозиқ-овқат, истеъмол товарлари билан савдо қилиш тўғрисида»ги қарорининг моҳияти аҳоли ўртасида кенг тушунтирилди.

Қарор нусхаси бозорлар, аҳоли гавжум жойлар, маҳаллалар ва, чойхоналарга тарқатилди.

Лекин шунга қарамасдан ҳамон солиқ тизими бўйича қонун ва фармойишларга амал қилмаслик, ҳолатлари учрамоқда. Бундай ҳаракатлар билан асло келишиб бўлмайди. Шу боис ундайларга қарши қаттиқ кураш олиб борилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорини бажариш юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида 30 ҳолатда жами 3 миллион 90 минг сўмлик истеъмол товарлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Хусусан, шаҳарнинг 4-Гулбоғ кўчасидаги 2-уйда яшовчи фуқаро Дилмурод Ғоиббоев тегишли ҳужжатларсиз савдо қилаётганлиги учун унга қарашли бўлган 192 минг сўмлик хорижда тайёрланган аёллар газламалари далилий ашё сифатида расмийлаштирилди. Шаҳарнинг «Чорсу» меҳмонхонасига қарашли савдо дўконида текшириш ўтказилганда, буфетчи Улуғбек Носиров харидор билан ҳисоб-китоб вақтида касса чекини бермаганлиги, назорат-касса машинасидан ҳисобот олинганда 26 минг сўм савдо пули кирим қилинмаганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан далолатномалар расмийлаштирилди ва ҳозирда суриштирув ишлари олиб борилмоқда. «Чорсу» деҳқон бозори худудида ўтказилган рейд текширувлари вақтида хусусий тадбиркор Рустам Асқаровга қарашли савдо дўконда харидорга касса чеки берилмаганлиги маълум бўлди. Унга нисбатан энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорида жарима қўлланилди. Хусусий тадбиркор Муҳаммад Сайфиддиновга қарашли савдо дўконида ҳам шундай салбий ҳолат аниқланди. «Сардоба» бозорида акциз маркасиз тамаки маҳсулоти сотаётган Илҳом Алимовга эса далолатнома расмийлаштирилди.

Хайрулла БОЗОРОВ, Наманган шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи

Бир фармон шарофати

ИШЧИЛАР УЙЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ

хўжалик ҳисобидан амалга оширилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони аграр соҳада туб ўзгариш истиқболларини белгилаб берди. Қишлоқ хўжалик корхоналарига иқтисодий эркинлик берилиши, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва халқ фаровонлигини ошириш имкониятини яратди.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити шаҳарликлардагидан фарқланади. Чунки, деҳқон ёки чорвадор йил бўйи фидокорона меҳнат қилиб, маъмурчилик яратади, эл дастурхонини тўкинлиги учун тер тўкади.

Ғузор туманидаги «Пачкамар» наслчилик ширкат хўжалигида инсон омилига эътиборни кучайтириш ва меҳнатини қадрлашга жиддий эътибор берилаяпти. Хўжаликнинг бепоён яйловларида боқилаётган 23,5 минг бош қўй-қўзининг маҳсулдорлиги ошиб бормоқда. Совлиқларнинг 15 минг 300 бошидан қўзи олинади. Бу йилги тўл мавсумида бир отардан икки отар яратиш, қоракўл тери, жун тайёрлаш шартномавий режаларини ошириб бажариш чўпон-чўлиқларнинг қатъий аҳди.

Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотлар дадил жорий этилаяпти. Аъзоларнинг харажатлари чек усули орқали ҳисоб-китоб қилинади. Қоракўлчилар ўтган йилни 31 миллион 714 минг сўм соф фойда билан якунладилар. Олинган фойданинг 5 миллион 708 минг сўми дивидент сифатида тарқатилди.

Пухта тайёргарлик кўрилганлиги туфайли қишлов муваффақиятли ўтди. Мавжуд 77 нафар отарнинг ҳар бирига 3000 тонна дағал хашак, 350 тоннадан кучли озуқа етказиб берилди. Қўзилатиш мавсуми уюшқоқлик билан олиб борилаяпти.

- Бошқарув кенгаши аъзолари, касаба уюшма фаоллари отарларга бириктириб қўйилган, - дейди хўжалик бошқаруви раиси Ўткир Жумаев. - Ширкатларда бўлиб, чўпон-чўлиқларнинг ҳолидан хабар олиб турибмиз. Улар учун барча шароитлар яратилган.

Фидойи меҳнат самарасини бермоқда. Човадорнинг даромади кўпайиб, оилавий бюджети мустаҳкамланаяпти. «Шуҳрат» медали соҳиби Назар Раҳимов, илғор чўпонлардан Ортиқ Умрзоқов, Шамсиддин Раҳматов, Эркин Хўжамбердиев, Жўра Раҳимов, Холмурод Чоршанбиев сингарилар келган фойданинг 80 фоизи миқдорида дивидент олдилар. Бундан ташқари улар 25-35 бош қўзи билан мукофотландилар.

Ёғингарчиликнинг кўп бўлиши ғаллачиликни ривожлантиришга ҳам замин яратмоқда. 3 минг гектар лалми майдонларга экилган уруғ қийғос униб чиқди. Майсалар парвариши авж олдирилаяпти.

Тармоқдан келаётган даромаднинг бир қисми кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, ўқувчиларга дарсликлар олиб бериш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, қурилиш ва ободончилик ишларига сарфланаяпти.

Ишчилардан Инобат Саидова ва Иброҳим Дўлановларнинг уйлари хўжалик ҳисобидан бепул таъмирлаб берилди. Кам таъминланган оилаларга қарийб ярим миллион сўмликдан ортиқ пул, 20 тонна дон, 100 бош қўй-эчки берилди.

Тиббий хизматни яхшилаш мақсадида Пачкамар қишлоғида замонавий врачлик маскани қурилиб, ишга туширилди. Ҳудуддаги Нодира, Файзулла Сайдуллаев, Нусрат Исматов номли мактабларнинг бинолари таъмирланди. Хўжаликнинг марказий қўрғони Қоракамар қишлоғида 3 километр узунликда газ қувурлари тортилди.

Хуллас, инсон омилига эътибор жамоада маънавий муҳитни яхшилаб, одамлар кайфиятини кўтармоқда. Яйловлар ва ғаллазорларда жўшқин меҳнат ҳукумрон. Чорвадор хонадонидан файзу-барака, дастурхонидан тўкинлик аримайди.

ЁЛҚИН

ҚАРИЯЛАР ПАНСИОНАТИ

Ўтган йили Жиззах шаҳрида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли «Қариялар пансионати» қуриб, фойдаланишга топширилганди. 50 ўринга мўлжалланган бу сиҳатгоҳда бугунги кунгача 800 нафарга яқин қариялар ва ногиронлар ўз соғлиқларини тиклаб, кўнгилли ҳордиқ чиқардилар. Бу ерда даволанувчилар учун барча шароит яратилган. Физиотерапия парафин, ултратовуш, массаж шулар жумласидандир. Кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг ҳаммаси бепул.

– Шифо масканимизда юрак-қон томир, ошқозон-ичак, нафас олиш тизими, асаб, бўғин, модда алмашинувининг бузилиши, эндокринологик касалликлар билан оғриган беморлар даволанишмоқда, - дейди тиббиёт фанлари номзоди Озод Йўлдошев. – Муолажа учун барча шароитлар етарли. Фитобар ташкил этилган. Тренажёрларда машқ қилиш учун гимнастика хонаси яхшилаб жиҳозланган.

Сиҳатгоҳ ҳудуди анча кенг. Жорий йилда қўшимча 50 ўринли бино қуриш мўлжалланган. Циркуляр душ, балчиқ билан даволаш, ошқозон-ичакни ювиш хоналарини ташкил этиш мақсадида амалий ишлар қилинмоқда. Мана шу ишларни бажариш ва жиҳозлар сотиб олиш учун маҳаллий бюджетдан 493 миллион сўм маблағ ажратилган.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда: сиҳатгоҳ ҳаётидан лавҳалар.

Юртимиз шифо масканларида

МАҚСАД – ТАШҚИ БОЗОР

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида «Ташқи иқтисодий фаолият ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг роли. Ўзбекистон Республикаси божхона ва солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Тадбир «РОУТАХТ-ЕКSПОРТ» экспортчилар ва сармоядорларни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан ташкил этилди.

Таъкидландики, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида эришилган натижалар республикамизда иқтисодий ислоҳотлар жараёни тобора чуқурлашиб, хорижий давлатлар билан инвестиция ва савдо ҳамкорлиги янада ривожланаётганидан далолат беради. Ўтган йили мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмаси 17,3 фоизга кўпайди, 2002 йилга нисбатан экспорт ҳажми 124 фоизни, импорт ҳажми 109 фоизни ташкил қилди.

Машинасозлик, ёқилғи-энергетика мажмуи, қурилиш материаллари саноати, енгил, озиқ-овқат саноати ва бошқа қайта ишловчи тармоқларда ишлаб чиқариш ҳамда экспорт ҳажми анча ортди. Хориж сармояси иштирокидаги корхоналар иқтисодиётимизда муҳим ўринни эгаллаб, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштироки кенгаймоқда.

Тариф сиёсати эса 1998 йилдан бошлаб сезиларли даражада пасайиб, бунинг натижасида экспорт божхона божларининг бекор қилиниши билан эътиборга молик. Шу билан бирга, импорт божхона божлари ставкаси ҳам қайта кўриб чиқилди ва бунда уларнинг бирхиллашиши ва пасайиши кузатилди.

Шу йилнинг январидан бошлаб мамлакатимизда маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган пасайтирилган божхона тарифи амал қила бошлади. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда қийинчиликларга дуч келаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналарига давлатимиз томонидан қўшимча имтиёз ҳамда рағбатлантиришлар жорий этилди. Хусусан, ташқи савдо операция тартиблари соддалаштирилди. Тайёр истеъмол маҳсулотларини импорт қилаётган корхона ва ташкилотларга сўмни эркин муомаладаги валютага алмаштиришда устувор ҳуқуқ учун лицензиялар бериш механизми бекор қилинди.

Шу тарзда, ҳозирги кунда маҳаллий корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолияти учун қулай муҳит яратилди.

(ЎзА)

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Фуқаролик ишлари бўйича туман суди биноси. Бу ерга ҳар куни ўнлаб, фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ташриф буюрадилар.

ЕР ЭГАСИГА ҚАЙТАРИБ БЕРИЛДИ

– Албатта кимлардир томонидан камситилиб, дили оғриган инсон нажот истаб, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиниши учун судга мурожаат қилади. Шу боис ҳар бир ишни масъулият билан адолатли кўриб чиқишга тўғри келади. Сабаби ҳар қайси даъво аризаси негизида инсон тақдири, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ётади, – дейди Шовот тумани фуқаролик ишлари бўйича суд раиси Зарифбой Қурбонов.

Судга топширилган даъво аризаларини кўздан кечирар эканмиз, фуқароларнинг турли можаролар, келишмовчиликларига барҳам беришда ёрдам сўраганликларини гувоҳи бўламиз.

Жумладан, ўтган йилнинг октябр ойида даъвогар Отахон Хонжоновнинг даъво аризасида 2001 йилдан буён Махтумқули ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатиб келаётган «Хонжонбобо» фермер хўжалигига қарашли бўлган 0,25 гектар ер майдонидан фойдалана олмаётгани баён қилинади. Даъвогарнинг ёзишича туман ҳокимининг қарорига биноан унинг номига ажратиб берилган 0,25 гектар ердан С. Мадраҳимов ноқонуний тарзда фойдаланиб келган. Даъвогар ерни қайтариб бериш тўғрисидаги таклифга беписандлик билан қараётгани боис масалага суд орқали ойдинлик киритиш зарурати борлигини баён қилади.

Суд жараёнида маълум бўлишича, «Хонжонбобо» фермер хўжалигига тегишли ер олдин Сава Мадраҳимовга қўшимча томорқа сифатида берилган ва у ундан фойдаланиб келган. Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг ер Кодексининг 91-моддасига биноан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерлар сарф харажатларни қопламасдан эгасига қайтариб берилади дейилган. Шу боис суд «Хонжонбобо» фермер хўжалигига тегишли 0,25 гектар ер эгасига олиб берилсин, деган мазмунда қарор чиқарди.

Шунингдек, фуқаролар иш ҳақини ундириб бериш юзасидан олиб борилган суд жараёнларидан бирида Гурлан туманидаги Намуна ширкат хўжалигида яшовчи 3 нафар фуқаронинг аризаси кўриб чиқилди. Маълум бўлишича шу хўжаликда яшовчи фуқароларга берилиши лозим бўлган иш ҳақлари 2003 йил 1 июн ҳолатига қадар кечиктирилган.

Даъво талаблари ўз исботини топгач, суд уни қаноатлантиришни лозим, деб топди.

Ўтган йилнинг сентябр ойида фуқаро Озода Пирова автоҳалокатда вафот этган турмуш ўртоғи Азамат Отажоновга тегишли «КаМаз-53212» русумли, автомашинани жавобгар Бахтиёр Акназаров эрингнинг мендан қарзи бор эди, деб ҳужжатлари билан биргаликда уйига олиб кетган. Натижада даъвогар О.Пирова машина ноқонуний олиб кетилганлиги, ҳақида судга мурожаат этишга мажбур бўлган.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, мавжуд ҳужжатларни ўрганиб, марҳум Азамат Отажоновга тегишли машина даъвогарнинг никоҳи давомида орттирилган мулк эканлигига ишонч ҳосил қилди. Шунинг учун Озода Пированинг даъвоси қаноатлантирилсин, деган мазмунда қарор чиқарилди.

Роза САЙДАҲМЕДОВА,
«Ишонч» мухбири

ИЗЛАНИШЛАР САРҲИСОБИ

Ўқувчи ёшларда комил инсон фазилатларини шакллантириш йўлида олиб борилаётган маърифий тадбирлар кўпгина илмий-педагогик масалаларни ўз ичига олади. Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш институти олимлари эса ана шу муаммонинг долзарб масалаларини тадқиқ этш борасида дастлабки ютуқларга эришдилар.

«Ўрта умумий мактабда ўқувчи шахсини шакллантиришнинг педагогик асослари» деган мавзуидаги илмий изланишларга ҳам қўл урилди. Ана шу илмий жараёнда амалиётчи ўқитувчилар бой тажрибалари асос қилиб олинди.

А.АЛИЕВ

2004 йил - Меҳр ва мурувват йили

«ОЛТИН АСР»: АҲИЛЛИКДА ГАП КЎП

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлашда маҳаллаларда ташкил этилган милиция таянч пунктларининг ҳиссаси катта. Айни пайтда юртимизда қарийб уч минг тўрт юзта шундай пункт фаолият юритяпти.

Милиция таянч пунктлари профилактика инспекторлари маҳалла оқсоқоллари, посбонлар, тарбиячи-педагог, яраштирув ва келиштирув ҳамда хотин-қизлар комиссиялари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

- Вилоятимизнинг милиция таянч пунктларида ҳар томонлама етук, халқ билан ишлашга билим ва тажрибаси, ақл-идроки етадиган жонкуяр инспекторлар бўлишига алоҳида эътибор қаратяпмиз, - деди Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Самандар Рўзимуродов. - Зеро, уларнинг маданияти, жанговар тайёргарлиги жиноятнинг олдини олиқ, фуқаролар, айниқса ёшларни ёмон йўлдан қайтаришда, маҳалла оқсоқоллари билан бамаслаҳат ишлашида катта аҳамиятга эга.

Таянч пунктларини бунёд этишда маҳаллий ҳокимликлар, корхона ва хўжаликлар, тадбиркорларнинг ёрдамига таянмоқдамиз.

Замонавий усулда барпо этилаётган бундай масканларда маҳалла тинчлиги ва тотувлиги учун масъул хизматчилар жамлангани яхши самара бермоқда. Натижада, аҳоли, айниқса вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик кескин камаймоқда.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловида вилоятимиз вакиллари юқори ўринларни эгалламоқда.

- Кўрик-танлов бу борадаги илғор тажрибани тарғиб қилишда, жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда, - дейди ўтган йили танловнинг республика босқичида иккинчи ўринни эгаллаган Самарқанд шаҳар «Олтин аср» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 25-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, милиция капитани Хуршид Абдуғаффоров. - Мазкур тадбир профилактика инспекторларининг ўзини ўзи бошқариш тизими вакиллари билан ҳамкорлигини кучайтириш борасидаги ишларнинг ўзига хос кўриги бўлаётир.

«Олтин аср» маҳалласида 18 та кўп қаватли уй, 761 хонадон мавжуд. Бу ерда ўн олти миллат вакили аҳил-иноқ, яхши қўни-қўшничиликда истиқомат қилади. Уларнинг тинч-тотув, осойишта ҳаёт кечиришига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган милиция таянч пункти маҳалла аҳлининг ўзига хос маданий-маърифий масканига ҳам айланиб бормоқда. Пунктда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш маркази, кутубхона фаолият кўрсатмоқда.

Таянч пункти жойлашган маҳалла гузарининг бундан бир неча йил олдин қаровсиз, ташландиқ жойда барпо этилганига бир қарашда ишониш мушкул. Савдо дўкони, маиший хизмат уйи аҳоли хизматида. Ҳашар йўли билан бунёд этилган спорт-соғломлаштириш мажмуида ёшлар спортнинг йигирмадан зиёд тури билан шуғулланмоқда.

Маҳаллада кам таъминланган, кўп болали, ногирон ва боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам бериш яхши йўлга қўйилган. Маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракати билан уй-жой мулкдорлари ширкати ҳисобидан бешта тўрт қаватли уй капитал таъмирдан чиқарилди. 53 нафар кам таъминланган оила коммунал тўловлардан озод этилди. Олти нафар ногирон болага махсус спорт жиҳозлари, ногиронлар аравачаси олиб берилди.

Вояга етмаган ёшлар тарбиясида зиёлиларнинг билим ва тажрибасидан унумли фойдаланилмоқда. Ҳар ойнинг охирги шанбасида ўсмирлар учун давра суҳбатлари ўтказиляпти. Маърифий учрашувлар, оилавий спортни ривожлантириш, кўрик-танловлар ўтказиш яхши йўлга қўйилган.

- Ёшлар орасида маърифий-тарбиявий ишларни жонлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида милиция таянч пунктида тўпланган бой тажриба жуда қўл келмоқда, - деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайринисо Шатанова. - Профилактика инспекторлари Ф.Салимов, Б.Ҳамроев, Ҳ.Раимов, А.Ҳасанов ҳамда маҳалла посбони Ў.Муродовнинг ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиши натижасида ўтган йили маҳалламиз ҳудудида бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

(ЎзА)

ТАРТИБ ПОСБОНЛАРИ ЁРДАМГА КЕЛДИ

Савобли иш қилиш халқимизга хос бўлган фазилат. Бошқача айтганда, топганини ўзгалар билан баҳам кўриш, қийналганга қўл чўзиш, миллатимиз анъанасига айланган. Сирдарё вилоят ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги кўриқлаш бўлими шахсий таркиби жамоаси ҳам ана шундай хайрли ишларни дилга туккан. Тартиб посбонлари Гулистон шаҳридаги 27-сонли «Меҳрибонлик уйи»га бир ярим миллион сўмлик маблағ ажратди. Болажонлар мундирли амакилари таъмирлаган ювиниш хоналарида яйраб қувнади.

Уларнинг хайрли юмушлари бу билан чекланиб қолмади. Бошқарма мазкур «Меҳрибонлик уйи»ни тоза ичимлик суви билан таъминлаб, иситиш қозонхонасини мавсумга ҳозирлашди. Иссиқ хоналар, шинам чўмилиш хоналари тарбияланувчиларга кўп йил хизмат қилиши шубҳасиз.

– «Меҳр ва мурувват йили»да болажонларимиз ҳам моддий ҳам маънавий мадад оляпти, – дейди «Меҳрибонлик уйи» директори Дилбар Мухиддинова. – Шароитимизни яхшилашда қўриқлаш бўлими шахсий таркиби жамоаси улуши алоҳида ажралиб туради.

Н.ФАХРИДДИНОВ

«Олой деҳқон бозори» ОАЖ акциядорлари диққатига!

2003 йил якунлари бўйича ўтказиладиган навбатдаги акциядорларнинг умумий мажлиси Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимиятининг мажлислар залида 2004 йил 22 март соат 12.00 да бўлиб ўтади

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 11.00 дан бошланади

Кун тартиби:

1. «Олой деҳқон бозори» ОАЖнинг 2003 йил якуни бўйча иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият Кузатув Кенгашининг 2003 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботни кўриб чиқиш.
5. Жамиятнинг 2003 йил молиявий хўжалик ҳисоботни якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2003 йил молиявий-хўжалик ҳисоботини якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидентлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2004 йилги иш режа (бизнес план)ни тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2004 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2004 йил фаолияти учун жамият Аудиторлик корхонасини тасдиқлаш.
10. Жамият бошқаруви раисини сайлаш.
11. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.
12. Жамият низомига ўзгартириш киритиш ҳақида.

2003 йил молиявий натижалари

Балансниг актив қисми	Минг сўм	Балансниг пассив қисми	Минг сўм
1. Асосий воситалар қолдиқ сумма	1224021,7	1. Устав капитали	30841,4
2. Капитал қўйилмалар	23130,7	2. Тақсимланмаган фойда	16321,5
3. Узоқ муддатли инвестициялар	510,0	3. Мақсадли тушум ва фондлар	490803,4
4. Ишлаб чиқариш заҳиралари	56266,4	4.Узоқ муддатли қарзлар	813415,8
5. Товарлар	51218,5	5. Бюджет бўйича қарзлар	—
6. Келгуси давр сарфлари	76,4	6. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	1365,8
7. Пул маблағи	22183,1	7. Уюшма корхоналарига қарзлар	17643,9
8. Бошқа дебиторлар	15302,4	8. Бошқа кредитлар	22317,4
Баланс	**1392709,2**	**Баланс**	**1392709,2**

№	Кўрсаткич номи	Кўрсаткичлар натижаси
1.	Маҳсулот сотишдан тушган	213418,3
2.	Тўланган солиқлар	197096,8
3	Ҳисобот давридаги соф фойда	16321,5

Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2004 йил 21 феврал ҳолатига бинонан тузилади.
Акциядорларни рўйхатга олиш манзилгоҳи: Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси 72-уй.

Кузатув кенгаши

«Аския деҳқон бозори» ОАЖ Кузатув Кенгаши 2004 йил 25 мартда акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси 52-а уй.

Мажлис соат 11. 00 да жамиятнинг маъмурий биносида ўтказилади

Кун тартиби:

1.Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директорининг ҳисоботи.
2.Жамият директорининг меҳнат шартномаси муддатини тўхтатиш ёки узайтириш масаласи.
3.Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
4.Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
5.Жамият Кузатув Кенгашининг 2003 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқиш.
6.Жамиятнинг 2003 йил молиявий хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.
7.Жамиятнинг 2003 йил молиявий хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидентлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
8.Жамиятнинг 2004 йилги иш режаси (бизнес план)ни тасдиқлаш.
9.Жамиятнинг 2004 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
10.Жамиятнинг 2004 йил фаолияти учун аудиторини тасдиқлаш.

Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2004 йил 24 феврал ҳолатига кўра тузилган.

Акциядорларни ёки уларнинг вакилларини рўйхатдан ўтказиш соат 10. 00 да бошланади.

Мурожаат учун телефон: 55-27-44.

«Аския деҳқон бозори» ОАЖнинг 2003 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари кўрсаткичлари.

Бухгалтерия Баланси

т/р	Кўрсаткичларнинг номи	кўрсаткичлар минг сўм
	АКТИВ	
1.	Узоқ муддатли активлар	26101,1
2.	Оборот активлари	37215,0
3.	Жами активлар	63316,1
	ПАССИВ	
1.	Ўзлик маблағларининг манбалари	23636,8
2.	Устав фонди	10000,0
3.	Мажбуриятлар	29679,3
4.	Жами: баланс пассиви бўйича	63316,1

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот

1.Маҳсулот (иш, хизмат, сотишдан тушган тушум)	103275,6
2.Умумий хўжалик фаолиятининг жами харажатлари	98795,2
3.Ҳисобот давридаги соф фойда	4480,4

Кузатув кенгаши

Тафаккур гулшани

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Арзон тош синдирса, зар косани гар,
Тош нархи ошмайди, пастга тушмас зар.

Овламоқ учун бир кўнгилни нуқул,
Бошқасига озор бермоқ номаъқул.

Пашша ёпирилса зўр филни енгар,
Салобатли полвон жоҳилни енгар.
Чумоли бирлашса иттифоқ бўлиб,
Арслон терисин олажак шилиб.

Йўлингда чуқурни кўрсатган инсон,
Наздимда ҳақиқий дўстинг бегумон.

Ақлли бўлади жаҳонгашта хўп,
Иссиқ-совуқни татиб кўрмиш кўп.

Кексадан истама қувноқлик ҳавас,
Ёшлик ўтмиш, оқар сув ортга қайтмас.

Машаққат чекмаган топмас хазина,
Тун ортидан келар кундуз ҳамиша.

Ўз манглай теридан нон еган киши
Ҳотам ҳимматидан озод ёз-қиши.

ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Фарғона шаҳридаги Таваккал Қодиров номли санъат коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Шаҳар марказида замонавий меъморчилик анъаналари асосида барпо этилган бу даргоҳ санъаткорларга, санъат ихлосмандларига ўзига хос совға бўлди.

1957 йили ўз фаолиятини бошлаган мазкур санъат даргоҳини уч ярим минг нафардан зиёд талаба битирган. Улар бугунги кунда миллий санъатимиз ривожи йўлида хизмат қилмоқда.

Суратда: (чапдан) ўқитувчи Оксана Стасенько, талаба Нозим Ёқубов ҳамда дамли ва зарбли кафедра бўлими ўқитувчиси Олимжон Эшонов машғулот пайтида.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Илҳом

ЮЛДУЗЛАР СЎНМАЙДИ

Юлдузлар қаримас ва сўнмас асло,
Коинот бағрида ҳамиша уйғоқ.
Жилвакор нур сочиб кенг олам аро,
Тунларни ёритар мисли шамчироқ.

Улар орасида бордир менинг ҳам
Мафтункор, жилоли митти юлдузим.
Кўнглингда эзгулик ҳиссин қилиб жам,
Порлайвер деб унга қиламан таъзим.

У менга ҳаётда раҳнамо бўлиб,
Ёрқин истиқболдан беради дарак.
Содиқ дўст сингари меҳрга чўмиб,
Юрган йўлларимни ёритар бешак.

Мен ўтиб кетарман, лекин юлдузим
Самода нурафшон бўлиб қолажак.
Ундан илҳом олиб битганим сўзим,
Ва номим қалблардан ўрин олажак.

Соип МУҲАММЕДОВ, меҳнат фахрийси

Турмуш чорраҳаларида

Феруза икки хонали уйда ёлғиз ўзи яшайди. Йигирма олтига чикаяптики, ҳали турмуш қурмаган. Рўпарасидаги уйда акаси ва келинойиси икки нафар фарзанди билан яшашади. Жиянлари кўпинча уникида. Шу сабаблими, ёлғизлиги билинмайди.

ТАНИШ ЧЕҲРА

Бир неча йил илгари улар шаҳар марказидаги кичкинагина ҳовлида онаси ҳамда акасининг оиласи билан бирга туришарди. Ҳовлилари бузилиб, уларга кўп қаватли уйлардан жой беришди. Акасига уч хоналик, Қумри ая ва унга эса икки хоналик. Онаси ўтган йили юрак хасталигидан вафот этди. Ўзи олийгоҳни тугатгандан буён банкда ишлайди. Топиш-тутиши ёмон эмас. Баъзи бир узунқулоқ гапларни демаса... Тунов куни йўлакда кеннойисининг қўшни хотин билан гапларини эшитиб қолди.

-Шу дейман қайинсинглингизнинг бахти очилмаяпти-да. Минг топган-тутганинг билан оиланг бўлмаганидан кейин...

–Ҳали нима бўлибди. Ўзи одобли, андишали. Хуснда ҳам ҳеч кимдан кам эмас. Шошиб қаёққа ҳам боради, Худо хоҳласа бахтини берса ҳеч гап эмас, - деди унга жавобан кеннойиси.

Яхшиямки у бор. Доим ёнини олади. Акасининг бахти бор экан. Ҳатто илгарилари акаси ичиб келганда ҳам кеннойиси унга ҳеч қаттиқ гапирмасди. Мана бир неча йилдирки акаси ичкиликни оғзига олмайди. Феруза эсини таниб, бу хонадонда бирон марта уруш-жанжал бўлганини эслай олмайди.

Феруза уйни йиғиштириб, кўчага чиққанида кун анча ёришиб қолганди. У метрога етиб келганида бир аёлнинг ўзига тикилиб турганини сезди. Саволомуз қарашга улгуриб-улгурмай аёл бош силкиб саломлашди-да секингина:

- Синглим, сизни бир дақиқага мумкинми,- деди.

Феруза ҳеч нарсани тушунмаса-да, одоб юзасидан: бемалол, - деб қўйди.

- Кечирасиз, қаерда турасиз, кимнинг қизисиз, - яна саволга тутди аёл.

Феруза ҳайрон бўлиб қолганди.

- Биласизми, бир укам бор,-очиқчасига кўчди аёл. - Ўзи жуда яхши йигит. Таништириб қўйсам девдим.

Феруза ишга шошилаётганини баҳона қилиб, жадал юриб кетди. «Қанақа йигит экан, қизлар билан танишиш учун опасини юборадиган, - деган фикр хаёлидан ўтди. Кейин ичида унинг устидан кулди. - Бирон бир бўшашган йигитдир-да».

Идорага келиб, эндигина иш бошлаганди ҳамки телефон жиринглаб қолди ва ундан аллақандай нотаниш эркакнинг овози эшитилди.

- Феруза Саидалиевамисиз? Мен кўчадан телефон қиляпман. Жиянингиз Зулфия оғир аҳволда. Машина уриб юборибди. «Тез ёрдам» олиб кетди. Сизнинг иш ва уй телефонингизни берувди. Уйда ҳеч ким йўқ шекилли. Тез етиб келмасангиз аҳволи анча оғир.

Бу хабарни эшитиб, Ферузанинг оёқ-қўли бўшашиб кетди. Фақатгина телефон қилувчига: «Кимсиз?» дея олди холос.

Феруза телефон гўшагини ушлаганча туриб қолди. Ундан аввал «алло», «алло» деган сўзлар, кейин қисқа-қисқа гудок товушлари эшитилди.

Телефон қилган кишидан қайси касалхонага олиб кетишганини сўрамагани ёдига тушди. Шундай бўлса-да, вақтни ўтказмаслик учун кўчага югурди ва ўтган-кетган машиналарга қўл кўтара бошлади. Лекин аксига олиб уларнинг ҳеч бири тўхтамасди.

Ниҳоят бир машина келиб, унинг ёнида тўхтади. Ҳайдовчи унга савол назари билан қаради.

- Тезроқ касалхонага. Ҳақини истаганингизча тўлайман, - деди Феруза.

Шу чоқ ҳайдовчининг чеҳраси негадир унга таништек туюлди.

- Қайси касалхонага, - сўради ҳайдовчи.

Феруза эса жавоб ўрнига йиғлаб юборди.

- Ўтиринг, - деди ҳайдовчи аҳволни тушунгандек бўлиб ва машинани ҳайдаб кетди. Дастлаб Чилонзордаги касалхонага боришди.Сўнг бошқасига. Шу тариқа пешингача қидиришди. Феруза ҳар касалхонага кириб чиққанда, «бор эканми?»- дея савол берарди. Баъзи бир касалхоналарга унинг ўзи кириб чиқарди. «Қўяверинг, барибир топмай қўймаймиз,- дея Ферузага тасалли берарди.

Ниҳоят, Зулфияни шаҳар чеккасидаги касалхонадан топишди. Унинг оёқ-қўли оппоқ бинт билан боғлаб ташланганди. Врачнинг айтишича, яқиндагина ҳушига келибди.

Феруза ҳолсизланиб, коридорга чиқди. Ҳайдовчи эса кираверишдаги диванда ўтирарди. Уни кўриб кира ҳақини тўламагани ёдига тушди ва сумкасидан бор пулини чиқариб узатди. Ҳайдовчи олмади ва астагина:

- –Ишқилиб жиянингиз тузукми, - деб сўради. Шу пайт эшикдан акаси ва кеннойиси кириб келишди.

- Сизга катта раҳмат, – деди ҳайдовчига Феруза.

- Жиянингиз тузалиб кетса бўлди, - деди ҳайдовчи.

Анвар уларни уйларига олиб бориб қўйгандан кейингина хайрлашиб кетди.

Зулфия касалхонадан чиққан куни уларнинг хонадонига ҳамма қариндош-уруғлар йиғилишди. Бир даста гул кўтариб Анвар ҳам кириб келди.

- Ким у йигит, - сўради Ферузадан кеннойиси. - Ўша куни сўраш эсимдан чиқибди. Танишингизми?

У нима деб жавоб қилишни билмасди. Лекин ўзи негадир лоладек қизариб кетди.

Эртасига иш куни тугаши олдидан Анварнинг машинаси Феруза ларнинг идораси олдида турарди. Анвар Ферузага яқинлашиб аста саломлашди.

- Зулфия тузукми?

- Ҳа, яхши. Анча тузалиб қолди. Яқинда ўқишга ҳам қатнай бошласа керак.

- Сизни кузатиб қўйсам майлими?

Қиз беихтиёр йигитга тикилиб қолди. Таниш чеҳра.Ва ниҳоят метро бекати олдида турган аёлни эслади. Худди қуйиб қўйгандек бир-бирларига ўхшашади, хаёлидан ўтди қизнинг.

Ферузанинг қалбини аллақандай бир илиқлик чўлғаб олганди. Улар йўл бўйи индамай кетишди. Етиб келишгач, Анвар:

- Эртага шанба, қаерга бормоқчисиз, - деб сўради.

Феруза жавоб ҳам бермай, машинадан тушганча уйи томон югуриб кетди. Унинг тезроқ кеннойиси олдига боргиси ва бутун ҳиссиётини тўкиб солгиси келарди.

Неъмат РАФИҚОВ

Болалар спорти

ҲАР БИР ҚИШЛОҚ ВА МАҲАЛЛА

ўз ўйингоҳига эга бўлади

Спортнинг инсон саломатлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ёшларда ватанпарварликни шакллантириш, жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамияти беқиёс. Бу борада Касби туманида ибратли ишлар амалга ошириляпти. Иқтисодиёти тараққий этиб бораётган Шароф Рашидов номли ширкат хўжалигида оммавий спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериляпти.

Йилни 1 миллиард сўмдан ортиқ даромад билан якунлаган хўжалик бошқарув кенгаши ва касаба уюшма қўмитаси ҳар бир қишлоқда спорт майдончаси қуриш ташаббуси билан чиқди. Хўжалик марказида қад кўтараётган 5 минг ўринли стадион бошланган катта ишларнинг дебочаси дейиш мумкин.

17,5 минг аҳоли яшайдиган ҳудудда фуқароларнинг қарийб ярмини ёшлар ташкил этади. Уларнинг оммавий спорт билан шуғулланишлари учун ширкат ҳисобидан 70 миллион сўм маблағ ажратилиб, ҳамма қулайликларга эга бўлган ўйингоҳ барпо этилди.

Қурилиш ва лойиҳалаш юмушларида меъмор Олим Насимов, иш юритувчи Анвар Аллақулов, ғишт терувчи уста Абдусалом Қиличев, сувоқчи Одил Қиличевларнинг хизмати катта.

Ўйингоҳда замонавий футбол майдони яшил гилам билан қопланган. Баскетбол, волейбол, енгил атлетика билан шуғулланиш учун шароит бор. Ҳакамлар, ювиниш, дам олиш хоналари мавжуд.

Янги мажмуа Наврўз арафасида тўлиқ фойдаланишга топширилади. Кейинчалик бу ерда теннис корти ҳам барпо этилади.

Ўйингоҳнинг очилиш маросимини олий табақада тўп сураётган «Насаф» ва «Машъал» жамоалари бошлаб беришади. Шундан сўнг мусобақаларни қишлоқ спортчи ёшлари давом эттиришади.

– Спорт саломатлик гарови, жисмоний баркамоллик манбаи, –дейди хўжалик бошқарув кенгаши раиси Амрулло Чориев биз билан суҳбатда. – Соғ танда соғлом ақл, деб бежиз айтилмаган. Демак фарзандларимизни жисмонан бақувват, маънавий етук қилиб тарбиялаш бизнинг бурчимиз.

Ширкат томонидан мактабларда ўйингоҳлар ва спорт майдончалари қурилишига ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатиляпти. Яқин кунларда ҳар бир қишлоқ ва маҳалла ўз стадионига эга бўлади.

И.ИСОМИДДИНОВ

Турфа олам

«ИЛОН ОҒЗИ» БЎҒОЗИ

1498 йилнинг август ойида машҳур сайёҳ Колумбнинг кемалари номаълум қитъанинг соҳилидан торгина бўғоз билан ажралиб турган Транидад оролининг Жануби-ғарбий қирғоғига етиб борган эдилар. Улар океандан кучли, тез оқим кираётганини кўрдилар.

Колумб юборган икки қайиқчи гирдобни айланиб ўтишга муваффақ бўлди ва бўғознинг ичкарироғида тўлқинсиз, тинчгина кўрфаз топди. Колумб ўз кемаларини ўша ерга олиб борди ва гирдобдан муваффақият билан ўтди.

Мана шу бўғозни Колумб «Бока-дельсъерпе» деб атади.

Бу сўз испанча бўлиб, «Илон оғзи» демақдир. «Илон оғзи»дан шимолроқда яна торроқ бўғоз бор эди. Бу ерда тез сув оқими, қулаб тушай деб турган қирғоқ қоялари орасидан ўтарди. Кемалар бу бўғоздан ҳам бешикаст ўтиб олди. Колумб иккинчи бўғозга янада қўрқинчлироқ ном берди. Уни «Аждаҳо оғзи» (Бока дель Драго) деб атади.

Бу икки ном географик ҳаритада ҳозиргача сақланиб келмоқда.

МАНГУСТАНИНГ ФОЙДАСИ

Мангуста – иссиқ мамлакатда яшайди. Ҳиндистоннинг кўпчилик аҳолиси бу ҳайвонни қўлда боқишга ўргатган.

Жуда ёқимли бўлган бу ҳайвонлар уй кемирувчиларини йўқотишда катта фойда келтиради. У, айниқса, заҳарли илонларни қиришда фойдалидир.

Мангуста яшаган боғ ёки уйга кирган илон жазосиз қолмайди. У илонни кўрди дегунча кўзлари чақнаб кетади ва даҳшат билан ҳужумга ўтади.

У ўзининг чаққонлиги билан илонни алдайди, ўткир тишлари билан илоннинг бошидан тишлаб олади. Баъзан Ҳиндистоннинг катта-катта кобра илонлари ҳам мангустага қаршилик кўрсатолмайди.

«СИР»ЛИ ҚУТИЧА

Вильнюс шаҳрининг бирини таъмир қилинаётганда 1863 йилда Польша, Белоруссия ва Литва ерларида бўлган кўзғолонга оид ҳужжатлар сақланган қутича топилди. Бундан кўп йиллар бурун уй деворига жойлаштирилиб, устидан суваб қўйилган қутича ичидаги ҳужжатлар орасида кўпгина хатлар, мурожаатлар, фотосуратлар, шунингдек, биринчи беларус газетаси «Мужицкая правда»дан бир нусхаси бор экан.

ЙИРИК ҚУРИҚХОНАЛАР

Кўпгина мамлакатларда турли хил қуриқхоналар ва миллий боғлар бор. Франциядаги Ле-Сет-Иль қуриқхонасига бир йилда атиги 10 тача киши, қайсиким улар қушларни ҳимоя қилиш легасининг аъзолари бўлган тақдирдагина кириши мумкин.

Бундай қуриқхоналарда кишиларнинг ўсимликлар ва ҳайвонларнинг тараққиётига бирон-бир йўл билан таъсир кўрсатиш мутлақо тақиқланган.

Шундай миллий боғлар борки, улар кишиларни табиат билан таништирувчи маскан хизматини ўтайди. АҚШда бундан катта даромад оладилар. Масалан, 1950 йилда машҳур Йеллоустон боғига бир миллиондан ортиқ киши кирган ва бундан 19 миллион доллар даромад олинган эди.

Жаҳонда энг катта майдони 2 миллион гектар Крюгер боғи ғоят машҳурдир. Ёввойи ҳайвонлар бу ерда эркин юради.

А.АЛИЕВ

Маданият хабарлари

ОНА ЮРТ НАВОЛАРИ

Наврўз умумхалқ байрамига тараддуд бошлаб юборилди. Гулистон шаҳар болалар санъат мактабида бўлиб ўтган «Азиз она юртим наволари» кўрик-танлови энг гўзал байрамимиз Наврўзга бағишланди. Гулистон давлат санъат билим юрти талабаси Ҳалима Шомирзаева «Наврўз» қўшиғи билан танлов ғолиблигини қўлга киритди. Шунингдек, Д.Алибекова ва Ш.Байжигитовлар фахрли иккинчи ва учинчи ўринга сазовор бўлишди. Ғолибларга Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган республика кўрик-танловига йўлланма берилди.

РАССОМ ТАЛҚИНИДА ОРОЛ МАВЗУИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Рафаэл Матевосяннинг 80 йиллиги муносабати билан рассом асарлари намойиш этилди. «Оролда баҳор», «Туманли тонг сукунати», «Тўлқинлар ҳайқириғи» каби қирққа яқин полотнолар санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирди.

«АЛИШЕР НАВОИЙ» - ЯНА САҲНАДА

Алишер Навоий таваллудининг 563 йиллиги муносабати билан драматурглар Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмаси қайтадан саҳнага олиб чиқилди. Унга Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов режиссёрлик қилган.

Алишер Навоий ролини ёш, умидли актёр Рихситилла Абдуллаев ва шоирнинг кексалигини Маҳмуд Исмоилов ижро этишди. Шунингдек, Гулчеҳра Эшонқулова, Меҳриддин Раҳматов, Муҳаммадали Абдуқундузов, Эркин Комилов, Фатҳулла Маъсудов каби актёрлар ҳам ўзлари яратган образлари орқали спектаклга алоҳида жозиба бағишладилар.

А.НАБИЕВА

КРОССВОРД



Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 3. Амударёнинг ўнг соҳилидаги электр корхонаси. 6. Босқичли пойга мусобақаси. 23. Рентген нурини ўтказмайдиган, қаттиқ-енгил металл. 26. Қопағон итдан ҳимояланиш мосламаси.

Энига: 4. Кузпишар мева. 5. Мақсадида мустаҳкам турувчи. 11. Орқа суянчиғи йўқ диван. 13. Саҳна асари тури. 14. Ҳосил ўриб-йиғиб олинган майдон. 17. Ойнабанд айвон. 21. Саноат ашёси, кимёвий таркиби бир хил, молекуласидаги атамалар сони турлича бўлган модда. 22. Ўзбек физик олими, Беруний номидаги мукофот сардори. 24. Торли мусиқа асбоби. 25. Чевар асбоби.

Бўйига: 1. Қитъа. 2. Вақт асбоби ҳунарманди. 7. Жануб паррандаси. 8. Жиззах вилояти тумани. 12. Сифатли жун олинадиган эчки зоти. 13. Жамиятнинг олий табақасига оид киши. 15. Музаффар. 17. Ўзгарувчан ток занжирида токни чекловчи электр аппарат. 18. Гўзаллик. 20. Эгалик қилувчи.

Ёйлар бўйича: 9. Вулқоннинг конуссимон оғзи. 10. Ҳаво билан биргаликда портловчи қоришма ҳосил қилувчи ёнувчи газ. 16. Шеърият соҳаси. 19. Ойбекнинг «Навоий» романи қаҳрамони.

Шакл атрофида «занжир» ҳолида: 27. Хитой ҳудудида жойлашган ер юзидаги энг катта ва баланд тоғлик. 28. Нарсани кўтариб турувчи восита. 29. Саксовуллар оиласига мансуб, панжага ўхшаб ўсувчи ёввойи ўсимлик. 30. Осиёнинг жануби шарқий ўрмонларида тарқалган, табобат биологияси тажрибаларида фойдаланиладиган маймун зоти. 31. «Суюқ» металл. 32. Юза бирлигига тўғри келадиган физик куч. 33. Япония автомобили маркаси. 34. Фарзанд дунёга келганида ўтказиладиган маросим. 35. Уруғ, элатнинг яна бир атамаси. 36. Қилинган ёмонликка қарши ўч. 37. Фильмнинг ҳар бир маротаба намойиши. 38. Қадимги Рим давлатида олий ҳокимият органи. 39. Кўркам жануб қуши. 40. От туси. 41. Ўқотар қурол тури. 42. Тўшама жиҳоз.

Ф.ОРИПОВ тузди.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 20242 Буюртма Г— 217 1 2 3 4 5